

Таҳорат олиб ётишнинг 6 фазилати

Image not found or type unknown



19:40 / 27.03.2019 13822

1. **Таҳоратли ҳолда ётган банданинг ҳақиға фаришталар дуо қилади.** Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Ким пок ҳолида ухласа, унинг ҳақиға бир фаришта: “Аллоҳим, бу бандангни мағфират қил. Чунки у пок ҳолида ухлади”, дейди”** (Имом Ибн Ҳиббон ривояти).
2. **Таҳоратда ётган банданинг дуоси мақбул бўлади.** Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Қайси бир мўмин банда Аллоҳни зикр қилиб, пок ҳолида ухласа ва кечаси туриб, Аллоҳдан дунёю охират яхшилигини сўраса, Аллоҳ унга сўраган нарсасини, албатта беради”**, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

3. **Қиёмат кунда ҳам таҳоратли ҳолида тирилади.** Уламолар: “Уйқуга ётишдан олдин олинган таҳоратни ўлимга тайёргарликнинг дастлабки қадами” дейдилар. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтади: **“Таҳорат олиб ётган ҳолида вафот этган кишининг руҳи таҳоратли ҳолда қайта тирилади”** (Фатҳул Борий, Умдатул Қорий)
4. **Таҳоратда ётиш ёмон тушлар кўришдан сақлайди.** Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимаҳуллоҳ айтади: **“Ким таҳорат олиб ўрнига ётса, яхши туш кўради”** (Фатҳул Борий).

Муҳаммад Закариё Кандеҳлавий раҳматуллоҳи алайҳи бундай дейди: **“Таҳорат олган ҳолда ухлашга ётиш, ёмон туш кўришдан сақлайди”** (Тақрир Бухорий).

5. **Таҳоратда ётиш тунни ибодат билан ўтказганнинг савобига ноил этади.** Ал-Ижлий айтади: **“Ким таҳорат олган ҳолида Аллоҳ таолони зикр қилиб ўрнига ётса, то уйғонгунига қадар Аллоҳ таолонинг ибодатида қоим бўлганлар савобига мушарраф бўлади”** (Фатҳул Борий).
6. **Таҳоратда ётган банданинг руҳи Аллоҳ таолонинг Арши олдида сажда қилади.** Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: **“Қачон мўмин банда ухласа, унинг руҳи Аршга кўтарилади. Агар банда таҳоратли ҳолида ётган бўлса, унинг руҳига Аршда Аллоҳ таолога сажда қилишига ижозат берилади”** (Ибн Муборак Китабуз-Зухд, Фатҳул Борий).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким таҳорат устига таҳорат қилса, Аллоҳ унга ўнта (савоб) яхшилик ёзади”**, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Ҳазрат Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар сизлардан бирортангиз таҳорат олса-ю, таҳоратини яхшилаб қилса, сўнгра: “Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу. Ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу», деб айтса, албатта, унга жаннатнинг саккиз эшиги очилади ва у хоҳлаганидан киради”**, дедилар» (Имом Муслим ривояти).